# ҚИЁФАТ
# УЛ-БАШАР

(Қиёфага қараб аниқлаш)

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси
1991

www.ziyouz.com kutubxonasi

86. 391
К 37

Нашрга тайёрловчилар: **Маҳмуд Ҳасаний,**
**Акром Ҳабибуллаев.**
Масъул муҳаррир — **Масъудали Ҳакимжон**
Муҳаррир — **Жонибек Сувонқулов**

**4702620201—141 / М352(04)-91** **Қатъий буюртма — 91**
© **„Туркистон“ ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, 1991 й.**

ISBN 5—635—01125—х

www.ziyouz.com kutubxonasi

# СЎЗ БОШИ

Биз ҳаётимизда турли тоифадаги одамлар билан учрашамиз. Дўсту биродарларимизнинг, қариндош-уруғларимизнинг, ака-укаларимизнинг урфу одатларини, феълу ҳаракатларини яхши биламиз ва шунга қараб муомала қиламиз. Аммо яхши таниш бўлмаган одам билан учрашганимизда ва иш юзасидан мулоқотда бўлганимизда дарҳол у одамга синчковлик билан қараймиз, хатти-ҳаракатини кузатамиз, кўзига тикилиб, ундан бирор маъно ўқишга интиламиз, юз тузилиши, сўзи, овози, тишу қулоқларигача назар соламиз, яхши ёки ёмон, мулойим ёки қўполлиги ҳақида хулоса чиқаришга ва шунга қараб муомала қилишга интиламиз.

Бугун сизнинг диққатингизга ҳавола этилаётган «Илми қиёфа» («Қиёфа илми)» деб аталган илм ҳам худди шу асосда вужудга келган.

Ота-боболаримиз асрлар оша одамларнинг феълу атворларини ўрганганлар, гоҳ ютиб, гоҳ алданганлар, кишиларнинг гавда тузилишларига қараб, бундан хулоса чиқарганлар, бу хулосалар оқибат-натижада доно ҳакимлар томонидан йиғилиб, китоб шаклига келган. Бу китоб эса «Қиёфат ул-башар» («Одамзод қиёфаси»), «Илми қиёфа» («Қиёфадан аниқлаш») ва «Илми фаросат» («Фаросат билан билиш илми») деб аталган. Асрлар оша қўлдан-қўлга ўтиб, аввал қўлёзма, сўнг босма ҳолда араб, форс ва ўзбек тилларида кенг тарқалган. Қўлингизда турган китобча ҳам ана шундай китоблардан биридир.

Эски ўзбек тилидаги мазкур китоб биринчи марта 1908 йилда Тошкентда нашр қилинган. Бироқ бу китобда нашрлар ҳақида ёки унинг тайёрловчиси ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Охирида эса у котиб Муҳаммад мулла Юнус ибн Ҳакимжон Шоший хати билан чоп этилгани кўрсатилган. Мазкур китоб ҳақидаги маълумотни унинг 1909 йилда Когонда қайта чоп этилган нусхасидан билиб олиш мумкин. Унинг иккинчи нашри мулла Обиджон китобфуруш Намангонийнинг саъй ҳаракати билан 10 минг нусха миқдорида чоп этилган. Китоб охирида хотима берилган бўлиб, китоб форсий тилдан туркийга таржима этилгани кўрсатилади. Жумладан, қуйидагиларни ўқиймиз: «Махфий қол-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мағайким, бу рисолайи ажиб ва ажолайи ғарибким, мўжиб масаррат ва мўвриси ибратдур, ўткон 1326 йилда таржима ва чоп қилдуруб жилванамойи оламиён қилган эдук, ва лекин бу рисола оммайи халқға мақбули хотирлари бўлуб, андак фурсатда нусхаси тамом бўлуб, сўрагучилар ҳаддин зиёда бўлғонлари учун иккинчи мартаба чоп қилдуруб, ташналаб толибларға дастгир айладук». Қуйироқда ёзилади: («Бу рисола)... ихтоми (охири)ға етди. Наманган шаҳрида мутаржими (таржимони) Хожа Жаҳонгир Чортоқий қалами шикаста рақами бирла 1909 йилда таҳрир ўлунди».

Демак, китоб Жаҳонгир Чортоқий томонидан таржима қилинган ва унинг хати билан чопга етқизилган. Бундан ташқари, халқнинг қизиқиши катта бўлгани учун талаблар асосида Когонда нашр этилган.

Китобни ўқиш жараёнида шу нарсага диққат қилиш лозимки, у бизга ўтмишдан қолган ёдгорлик, унда айтилган нарсалар юз фоиз тўғри, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Аммо унда айтилган кўпгина нишоналар ҳақиқат бўлиб, буни инкор этиш ҳам қийин. Унинг асрлардан асрларга ўтиб, халқ орасида ўқилиши ҳам унда қандайдир ҳақиқат борлигини билдиради. Кишиларнинг шакли ва расмига қараб ҳукм чиқариш ҳозирги пайтда давлат хавфсизлик комитетларида, криминалистикада, баъзи врачлар ёки экстрасенслар томонидан диагноз қўйишда ҳам қўлланиб келинмоқда. Оврупода ҳам бу фан қадимдан то шу кунларгача давом этиб келаётган бўлиб, фан тилида физиогномика деб аталади. Турк олими Иброҳим Ҳаққий ўзининг қомусий асари «Маърифатнома» да «Илми қиёфа»ни чиройли шеърга айлантириб берган. У қуйидагича бошланади:

Кимки бўйидур тавил[1],
Соддадил ўлур жамил.
Кимки бўйидур қасир[2],
Ҳийласи вордур касир[3].
Кимки васат[4] бўйлидур,
Оқилу хуш хўйлидур.

Қиёфа илмини масхарабозлик ёки бир-бирининг устидан кулиш учун деб ўйламаслик, унга жиддий фан деб қараш лозим. Бу илм арбобларининг ёзишларича, биров ҳақида ҳукм чиқараётган вақтда унинг фақат битта аъзоси, масалан, тишининг сўйлоқ, бурнининг эгри, сочининг сийрак эканига қараб эмас, балки гав-

---

[1] Тавил — узун
[2] Қасир — калта
[3] Касир — кўп
[4] Васат — ўртача



www.ziyouz.com kutubxonasi

дага умумий қараган ҳолда, барча аъзоларни бир-бирига қиёслаб, ҳамма нишоналарини солиштириб, сўнг хулоса чиқариш керак. Чунончи, китобнинг хотимасида ҳам шу фикр қуйидагича таъкидланади: «Илми қиёфани эгаллаган моҳир киши ҳар кимда ёмон сифатларга далил бўладиган аломатларни кўпроқ кўрса ва яхши сифатга далил бўладиган аломатларни камроқ кўрса, бундай киши ҳақида «ёмон» деб хулоса чиқариши, яхши сифатга далолат қиладиган сифатларни кўпроқ кўрса «яхши» деб ҳукм қилиши, яхши ва ёмон сифатлари баробар бўлса, яхши-ёмонликда ўртача экан, деб айтмоғи лозим».

Юқоридаги жумладан кўриниб турибдики, одамнинг яхши ёки ёмонлиги ҳақида шошиб ҳукм чиқариш мумкин эмас, аввало барча нарсани чамалаш, ақл тарозусига солиш, сўнг якун ясаш керак. Бундан ташқари, юқорида айтилганидек, «илми қиёфани эгаллаган моҳир киши» гина бу ишга қўл уриши ва ҳукм чиқариши зарур.

Шарқда қиёфа илми билан шуғулланиш ва бу илм манъ этилмаганини Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадислари билан асослайдилар. Улардан бири: «Утлуб ул-хайра мин ҳисон ил-вужуҳ» бўлиб, бу ҳадис эпиграф сифатида китобнинг бош варағига ёзилган. Унинг мазмуни: «Сизлар яхшиликни чиройли юзлилардан қидиринглар», деганидир. Ҳақиқатан ҳам, бу ҳадис кишининг ташқи қиёфаси унинг ички оламидан хабар беришига яққол далилдир. Чиройли, очиқ юзли кишининг қалби ҳам гўзал бўлади, у доно ва ақлли бўлиб, дунёнинг ортиғу камига ғам чекмайди, бошқаларга меҳру оқибатли бўлиб, доимо кулиб туради. Ички оламининг гўзаллиги эса юзага зеболик ва тароват бахш этиб туради. Улар одамларнинг олдига бемалол бора оладилар ва дарду ҳасратларини қўрқмай, тортинмай айта оладилар. Хўмрайган, бадқовоқ кишининг олдига ким ҳам журъат қилиб бора олади? Бундай кишининг ички олами ташқи оламида акс этган бўлади. Унинг қўполлик қилишидан одам безиллайди, хўмрайган, бадфеъл одам қандай қилиб бировга яхшилик қилсин?

Умуман олганда, кишидаги туғма жисмоний камчилик унинг ақлида, асабида, феълу хўйида ўз аксини топмай қолмайди ёхуд унинг наслу насабида, ота-онасида қандайдир айбу нуқсон борлигини билдиради.

Рубоий:

Хамиртуруш асли ачиган хамир,
Унингсиз хуш бўлмас нон ила патир.
Айниса лек одам «хамиртуруши», 16
Зиёни бир неча авлодга татир.

Бошқа рубоий:

Боққа кириб қолдим бир куни бехос,
Қарасам, товланиб турибди чарос.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дедим:— Шунча лутфу назокат қайдан?
У деди:— Ҳаммаси онамдан мерос![1]

«Қиёфат ул-башар»нинг бир ерида ўқиймиз: «Ҳар кимнинг панжалари (бармоқлари) узун бўлса, умри узун бўлади». Бироқ ҳаётда бармоқлари узун бўлиб, узоқ яшамаганлар ҳам бор. Буни қандай тушунса бўлади? Кўпчилик бунга: «Бу тақдири азал, тақдирида шундай бўлади деб ёзилган, тақдирдан эса қочиб қутилиб бўлмайди», деб жавоб беради. Ҳа, ўтмишда одамни тақдирнинг ҳақиқий қулига айлантириб қўядиган одамлар ва оқимлар мавжуд эди. Уларнинг фикрича, одам роль бажарадиган артистга ўхшайди. Худо уни яратиб, дунёда нима ишлар қилишини ёзиб қўйган, у ана шу ёзилганларни ижро этади. Бундай фикрларни биз Умар Ҳайём рубоийларида айниқса яққол кўрамиз. Бироқ бу фикрга XII асрнинг буюк олими Имом Муҳаммад Ғаззолий чек қўйди ва инсонда ҳам ихтиёр борлигини Қуръони Карим оятлари ва ҳадислар асосида исботлаб берди. Бу фикрни Сўфи Оллоёр «Сабот ул-ожизин» китобида ривожлантирди. Мана бу байт шунга далилдир:

Агар чандики қўймас эркимизга,
Берибдур ихтиёри жузъий бизга. 16,5

Баитдан кўриниб турибдики, худо ҳар бир бандани ўз эркига қўйиб қўймаса ҳам, бироқ унга эркин ҳаракат қиладиган, ақл ва фаросат билан ўйлаб иш тутадиган жузъий, яъни унчалик катта бўлмаган ихтиёр берган. Одам мана шу ихтиёрий ҳаракатда тўғри йўл тутса оширғи олчи, бироқ ақлсизлик қилиб, тўғри йўлдан тойса, оғир фалокатга учраши, қўпол қилиб айтганда, ажалидан беш кун бурун ўлиб кетиши мумкин. Бундай ногаҳоний балолар, одатда, қазойи муаллақ дейилади.

Умуман, ислом динида икки тақдир: қазойи мубрам, яъни ҳеч ўзгартириб бўлмайдиган, қаттиқ ва мустаҳкам тақдир ҳамда қазойи муаллақ, яъни муаллақ ҳолда осилиб турадиган, ҳар лаҳза одамнинг бошига қўниб, фалокат келтирадиган тақдир бор. Паҳлавон Маҳмуднинг қуйидаги рубоийси ана шунга далилдир:

Дунё бамисоли бир заррин кўза,
Суи гоҳ ширину гоҳ аччиқ ўза.
Манманлик қилиб кўп кеккая кўрма,
Қазойи муаллақ турар бош уза. 16,5

Бироқ қазойи мубрам билан қазойи муаллақни инсон билиб ололмайди. Лекин ҳар эҳтимолга қарши у қазойи муаллаққа қарши курашади ва унинг олдини олишга ҳаракат қилади. Бу

---

[1] Рубоийлар мақола муаллифидан.



www.ziyouz.com kutubxonasi

эса ислом дини кўрсатиб ўтган закотларни вақтида бериш, айниқса, бева-бечора, етим-есимларга садақа қилишдир. Садақа етмиш балони қайтаради, дейилади хабарларда. Шунинг учун Муҳаммад алайҳиссалом ўзининг бир қанча ҳадисларида садақа қилишни буюради. «Сизлар ўз касалликларингизни садақа билан даволанглар», дейилади уларнинг бирида. Демак, юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкин: агар кишининг умри қазойи мубрам бўйича саксон йил бўлса, қазойи муаллақга дучор бўлиб, қирқ ёки эллик йилгина яшаши мумкин. Кишининг бармоқлари узун бўлса-да, узун умр кўриши ўрнига қисқа яшашининг сабаби ҳам юқоридаги кабидир.

Китоб муқаддимасида ёзилганидек, қиёфа илми «ғоятда шариф ва зарур илмлар жумласидан» бўлса-да, аммо ғоятда қийин ва кучли ақл ҳамда фаросат талаб қиладиган илмдир. Зотан, кишининг гавдасида ёмонлик аломатлари зоҳир бўлса ҳам, бироқ у таълим-тарбия, илму ҳунар касб этиб, ўзини маънавий поклаши, энг яхши хулқ ва чиройли сифатлар билан безаниши мумкин.

Мазкур қиёфа илми ҳақидаги китоб оммавий тираж билан босилаётгани ва уни ҳар бир тоифадаги одам ўқишини эътиборга олган ҳолда тилини бир оз соддалаштирдик. Чунки у эски ўзбек тилига таржима қилинган бўлиб, унда кўпгина арабча ва форсча сўзлар, иборалар ҳамда жумлалар мавжудлиги тушунишни қийинлаштириб қўйиши мумкин эди. Яна эски араб ҳарфида ўқишни ўрганувчилар учун мўлжалланган ҳолда унинг арабча ҳарфдаги матнини ҳам илова қилдик.

*Маҳмуд Ҳасаний*



www.ziyouz.com kutubxonasi

# БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

Камоли Шарифида: «Биз инсонни чиройли қоматда яратдик!» дегувчи Парвардигори оламга мақтовлар бўлсин! Шаъну шавкати ҳақида: «Унга улуғ хулқ бердик!» ояти нозил бўлган саййидимиз Муҳаммад алайҳиссаломга ҳамда ўз жонларини доно пайғамбар итоатига бахшида этган унинг дўстларига салавот ва саломлар бўлсин!

Ҳамд ва салавотдан сўнг донодил дўстларимизнинг нурли қалбларига ва софлик сувлари томчилаб турадиган кўнгилларига махфий ва яширин қолмағайким, бу рисоланинг мавзуси «Илми қиёфа» («Қиёфадан билиш») ва «Илмий фаросат» («Фаросат билан сезиш»)дир. Бу илм ғоят азиз ва зарурий илмлардан ҳисобланади. Зеро бу илмдан фойдаланган ва уни амалга тадбиқ қилган киши одамнинг башарасига боқиб, кузатиш орқали, ҳеч қандай синов ва тажрибаларсиз, унинг яхши ва ёмон хислатларидан огоҳ бўлади. Агар кишининг қиёфасидан яхши сифати ва чиройли феъли маълум ва ошкор бўлса, дўстлик йўлини тутади. Борди-ю, қиёфасидан ёмон хислат ва қабиҳ феъли равшан ва маълум бўлса, дўстликни тарк этиб, суҳбатидан узоқлашиши, фасод ва зарарларидан эмин ва саломат бўлиши зарур. Ҳикоят:

Келтиришларича, қадим замон ҳакимларидан бири ўз замонидаги одамларнинг ёмонлигидан кўнгли оғрибди ва бу донолик соҳиби бўлган зот шаҳардан чиқиб кетиб, тоғнинг устига чиқиб яшай бошлабди. Аммо эшиги олдига бир моҳир рассомни тайин қилиб қўйибди. Шаҳар халқидан кимки бу файласуф олимни зиёрат қилиш учун келса, мазкур рассом у кишининг суратини қоғозга чизиб, ҳакимга олиб кириб кўрсатар экан. Ҳаким суратни «Илми қиёфа» бўйича диққат билан кузатиб, агар қиёфасида яхши кишининг белгиларини топса, ичкарига рухсат берар ва у билан суҳбат қилар экан. Борди-ю, башарасидан хиёнаткорлик белгиси намоён бўлса, дарвозадан қайтариб юборар экан.

Кунлардан бир кун бир киши уни зиёрат қилиш учун келди. Рассом ўз одати бўйича у кишининг расмини чизиб, ҳакимга киритди. Ҳаким расмни диққат билан кузатиб, бу кишининг ёмон ва кўнгли қора эканлигидан хабар топиб, ичкарига киришга рухсат бермай, дарвозадан қайтариб юборишга ишорат қилди. Бу киши



www.ziyouz.com kutubxonasi

эса ҳакимга: «Эй ҳаким, сен қиёфамга қараб, менинг ёмон феълли киши эканимдан хабар топдинг. Ҳа, бу рост ҳақиқатдир. Лекин мен риёзат ва меҳнат сабабли барча ёмон хислатлардан ўзимни тозалаб, энг яхши сифатлар билан безанганман. Мендан бирорта зарар юз беради, деб ўйлама ва файз таратувчи суҳбатингдан маҳрум қилиб қайтарма!» деган хабарни киритди. Шундан сўнг ҳаким ўз ҳузурига йўл берди.

Фард:

**Ҳакимға ани хуш паёми[1] етти,**
**Талаб айлаб кетуруб суҳбат этти.**

У ҳаким билан ўзаро суҳбатлашиб, сўнг манзилига қайтди.

Демак, бу илмнинг фойдаси ҳар икки томонга ҳам таъсир этади. Биринчи фойдаси шуки, бу илмнинг йўлланмаси билан киши ўзининг айбу нуқсонларидан огоҳ бўлиб, ёмон хислатларидан қутилади. Иккинчи фойдаси шуки, бошқа кишиларнинг айбларидан хабар топиб, уларнинг зиён-заҳматидан саломат бўлади.

Ҳикоят:

Айтишларича, бир куни ҳазрати Имоми Жаъфари Содиқ,— Аллоҳ ундан рози бўлсин!—сафарга чиқдилар. Шаҳарда бир одамни учратиб қолди. У киши чиройли либослар кийган ва ўзига оро берган эди. Мазкур киши Имомнинг йўлини тўсиб, тавозе бирла салом берди ва Имомнинг номини ва қайси шаҳардан эканини сўради. Имомнинг ким эканини билгач, узангисини ўпди, ўзининг ихлосу эътиқодини изҳор этиб, меҳмон қилиш орзусида уйига таклиф айлади. Бу валий зот қанчалар узр айтса, у ўз таклифини шунчалар зиёда қилар эди. Бул жаноб қиёфа илми юзасидан унинг айблари ва ёмон хулқларидан огоҳ бўлсалар ҳам у кишининг ялиниб-ёлвориши ва ортиқча тавозе кўрсатгани учун ноилож таклифини қабул этдилар.

Алқисса, бу киши ул жаноб уловининг жиловидан тутиб, шаҳарга олиб кирди ва ўз ҳовлисига тушириб, меҳмондорчилик асбобларини ҳозир ва муҳайё қилиб, хизматни жойига қўйди. Эртасига ҳазрати Имом қайтиш учун рухсат ва ижозат сўрадилар. Шунда ҳалиги киши:

— Ажабо, менинг толеим шу қадар шум ва бузуқ бўлармики, замонининг имоми раҳнамоси, Аллоҳ Расулининг авлоди ўз ихтиёрлари билан қадам ранжида этиб, қадамларининг нури билан қоронғу кулбамизни мунаввар қилдилар. Қулоғига ғуломлик ҳалқасини таққан бу каминага ҳайфки, бир неча кун жанобларининг хизматларини бажо этолмаса ва хизмат баҳонаси билан бир неча яхши панду насиҳат сўзларини эшитиб, кимиё таъсирли суҳбатларидан маҳрум қолса!—дея илтижони ҳаддан оширди.

[1] Паём — хабар



www.ziyouz.com kutubxonasi

Имом унинг кўнгли учун бир неча кун ҳовлисида туришга мажбур бўлдилар.

Алқисса, Ҳазрати Имом ҳар куни кетишга рухсат сўрар, у киши эса тобора ўз муҳаббатини изҳор қилиб, лойиқ хизматларни адо этар эди. Шундай қилиб, унинг ҳовлисида икки ҳафта тургач, бир куни ўз манзилларига қайтмоқ учун қасд қилдилар. Имом отга минмоқчи бўлганларида у маккор лаин чўнтагидан бир қоралама қоғоз олиб, ул жанобга узатди. Имом ўқиса, унда меҳмондорчилик учун кетган барча сарфу харажат ёзилган экан. Ул жаноб ҳайрон бўлиб, бир оз ўйлаб турдилар-да, харажат учун пуллари бўлмагани учун, либосу отини харажат эвазига берди ва ўзлари пиёда, яланғоч ва ялангоёқ манзилларига қайтдилар.

Айтишларича, Ҳазрати Имомга бундай муомала қилган кишининг кўзлари кўк ва кичик, ичкарига ботган эди. Шундай кўринишдаги ҳар бир киши макру ҳийлали, хиёнаткор, кўнгли қора, беҳаё ва бешарм бўлади.

## ИЛМИ ҚИЁФАНИНГ БАЁНИ

Мўътабар файласуфлар ва донишманд ҳакимлар одамзоднинг барча аъзолари кишининг яхши хулқлари ёки ёмон сифатларини билдирувчи воситалардир, деб таъйин қилганлар. Одамнинг ташқи томондан кўриниб турган ҳар қандай аъзоси ички оламидаги яхши ва ёмон томонларига далил бўлишини тажрибадан ўтказганлар. Илми қиёфанинг ростлигига қуйидаги ҳадиси шариф[1] далил бўлиб, унда шундай дейилади: «Куллу тавилин аҳмақун, илло Умар, куллу касирин фитнатун, илло Али»[2].

## ҲИКОЯТ

Нақл қилишларича, бир киши чироқ ёқиб китоб ўқиётган эди. Унда: «Соқолнинг узунлиги аҳмоқликка далилдир», деб ёзилганини кўриб қолди. Соқолини ушласа, жуда узун экан. «Аҳмоқлар қаторига кириб қолмайин» деб, соқолини маҳкам тутамлади ва ўзига-ўзи: «Ушбу тутамимдан ортиқчасини чироқда куйдираман, бир тутами қолса етади»,— деди ва шошганича соқолини чироққа тутган эди, соқолининг ҳаммаси куйиб кетди. Бундай қилиши унинг аҳмоқ эканлиги далилидир.

---

[1] Ҳадис — Муҳаммад алайҳиссалом оғзидан ёзиб олинган ҳукмлар.

[2] Ҳар бир новча аҳмоқдир, аммо Умар бундан истисно, ҳар бир пакана фитначидир, аммо Али бундан истисно.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БОШНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг боши катта, тўртбурчакли ва теп-текис бўлса, сочлари қалин ва қаттиқ бўлса, унинг ақл соҳиби, фаҳму фаросатли ва ҳимматли-саховатлилигидан далилдир.

Ҳар кимнинг боши кичкина, чўзиқ, сочлари кам ва сийрак бўлса, бу унинг аҳмоқ, нодон, зеҳни паст, гумроҳу бетамиз эканлигидан далолатдир.

## ПЕШОНА АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг пешонаси кенг ва чизиқларсиз, текис бўлса, бошқа нишоналари бўлмаса, бу кишининг гиначи, баднафс, ёлғончи, алдоқчи, кибру ҳаволи эканини намоён этади.

Ҳар кимнинг пешонаси ўртача бўлиб, ўртасида чизиқ ва йўллари бўлса, у кишининг ростгўй, садоқатли дўст, ақлли ва тадбиркор, бахту давлатли эканидан далолатдир.

Ҳар кимнинг пешонаси тор бўлса, у кишининг беҳаё ва нодон, қўрқоқ, фалокат ва касофатли бўлиши шубҳасиздир.

Ҳар кимнинг пешонасида бош томондан қуйига қараб бир чизиқ тортилган бўлса, бу одамнинг жаҳли тез, урушқоқ ва доим хафа эканлигидан далолатдир.

Пешонадаги чизиқларнинг ҳар бири ўн йиллик умрга далолат қилади, чунончи, чизиқ битта бўлса, ўн ёшга, иккита бўлса, йигирма ёшга, учта бўлса ўттиз ёшга киради. Шунга қиёсан чизиқ қанча кўп бўлса, умри шунча узоқ бўлишидан далолат беради.

## ҚОШНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Кимнинг қоши қалин, узун ва мўйлари кўп бўлса, у кишининг такаббур, жоҳил ва ўзбилармонлигидан далолатдир.

Кимнинг қоши бир-бирига туташ бўлса, бундай киши улфат ва меҳрибон бўлади. Агар бу сифат эркак кишида бўлса, бундай эркак ўз хотинини яхши кўрадиган, аёлда бўлса, бундай аёл жинсий суҳбатни яхши кўрадиган бўлади.

Ҳар кимнинг қоши узун ва қисқаликда ҳамда қораликда ўртача бўлса, бу мазкур кишининг фаросатли, диёнатли ва нозик табиатли эканидан далолатдир.

Ҳар кимда қошнинг учи ингичка бўлиб, аввали йўғон бўлса, бундай кишининг урушқоқ ва фитначи эканини билдиради. Агар қошлари баланд бўлса ақли кам, ўзи такаббур бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар қошнинг мўйлари узун бўлса, бу мазкур кишининг ҳимматли, шижоатли, айни пайтда аччиғи тез ва урушқоқ бўлишидан далолатдир.

## КЎЗНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Кимнинг кўзи катта ва қора бўлса, бундай киши суст ва беғайрат бўлади. Кўзлари кичик бўлса, енгил ва фаҳми кам бўлади. Катта-кичикликда ўртача бўлса, ҳаёли ва вафоли бўлади. Кимнинг кўзи чуқур бўлса, бу ўша кишининг такаббур, фосиқ, ўзгаларнинг моли ва ҳақидан қўрқмайдиган, юраги эгри бўлишидан далолатдир.

Агар кишининг кўзи ирғиб чиққан бўлса, бундай киши беҳаё ва бахил бўлади. Кимки кўзини тез-тез очиб-юмиб турса, бундай киши алдоқчи ёки ўғри бўлади.

Кимнинг кўзи катта, қизил, иллати йўқ, беғубор бўлса, унинг умри узун ва ўзи полвон бўлишидан далолат беради. Бироқ чақир кўзли киши бахил, беҳаё ва ҳимматсиз бўлади.

Ҳар кимнинг кўзи кичик ва кўк бўлса, бундай киши ҳийлагар, алдоқчи ва шаҳватпараст — жинсий алоқага иштиёқманд бўлади. Агар кўзи мушукнинг кўзига ўхшаб юмалоқ бўлса, бу мазкур кишининг саодатли ва шодмон бўлишидан далолатдир.

Кўзнинг катта ва кичикликда, қора ва қизилликда ўртача бўлиши кишининг яхши ҳулқли, яхши одатли бўлишини билдиради.

Ҳар кимнинг кўз оқида қизил томирлари бўлса, бундай киши шаҳватпараст бўлади.

## ҚУЛОҚНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Кимнинг қулоғи катта бўлса, бундай одам яхши киши бўлиб, эшитган нарсасини эсдан чиқармайдиган, умри узун, баъзан аччиғи чиқиб турадиган бўлади.

Кимнинг қулоғи кичкина бўлса, нодон ва жоҳил бўлади. Аммо қулоғи ўртача киши ақлу фаросатли ва саодатманд бўлади.

Ҳар кимнинг қулоқ остидаги юмшоғи сергўшт бўлса, бадавлат бўлади.

## БУРУННИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг бурни ингичка бўлса, бундай киши енгилтак ва кам ақл бўлади.

Ҳар кимнинг бурни ялпайган ва тешиклари катта бўлса, бундай киши сершаҳват ҳамда аччиғи тез бўлади.

Кимнинг бурни эгри бўлса, икки юзламачи ва гуноҳ йўлга юрадиган бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кимнинг бурни узун, катта, бурнининг учи тўтининг тумшуғига ўхшаса, бадавлат бўлади, бироқ катта-кичикликда ўртача бўлса, хушфаҳм ва хушфаросат бўлади.

Бурун икки тарафининг баландлиги ва ўртасининг пастлиги кишининг камбағал ва қашшоқ бўлишидан нишонадир.

## ЛАБНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг лаби қалин ва сергўшт бўлса, бундай киши аҳмоқ ва бетамиз, бошқаларга нисбатан адоват ва хусумат сақлайдиган бўлади.

Кимнинг лаби юпқа бўлса, бундай киши хушфаҳм ва табиати нозик бўлади.

Кимнинг лаби қора ёки кўк бўлса, баднафс ва нопок бўлади.

Кимнинг лаби қизил бўлса, бундай киши саодатли ва насли тоза бўлади. Лаби сариғ одам касалванд бўлади.

## ОҒИЗНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Оғзи катта одам юракли ва бақувват бўлади. Оғзи кичик киши эса юраксиз ва қўрқоқ бўлади.

Агар аёл кишининг оғзи катта бўлса, бундай аёлни ҳеч қачон чарчатиб бўлмайди. Бундайлардан худо ўзи асрасин.

## ТИШНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг тиши катта-катта ва бир-бирига ёпишган бўлса, бундай киши ёмонлик қилувчи бўлади. Тишлари майда ва ораси очиқ киши эса соғлом бўлади ҳамда касалликка кам чалинади.

Кимнинг тиши эгри ва нотекис бўлса, бундай киши алдовчи ва хиёнаткор бўлади. Ҳар кимда тишининг оралари очиқ, бир текис ва катта-кичикликда ўртача бўлса, бундай киши саодатли, одил, инсофли ва ростгўй бўлади.

Кимнинг тиши ўттизта, ўттиз битта ёки ўттиз иккита бўлса, зийрак ва бадавлат бўлади. Ўттиздан кам бўлса, фалокатга йўлиқадиган ва қашшоқ бўлади.

## ТИЛНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг тили ва оғзининг ичи қизил бўлса, бундай одам бахтли ва хушфеъл бўлади. Тили қора ёки сариқ киши бадфеъл ва наҳс табиатли бўлади.

## ЖАҒНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Кимнинг жағи отнинг жағига ўхшаган ва камгўшт бўлса, бундай киши хушфъел бўлади. Кимнинг жағи гўштли бўлса, но-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дон ва такаббур бўлади. Ўртача жағли киши ақлли, фаросатли ва ҳунарманд бўлади.

## БЎЙИННИНГ АЛОМАТЛАРИ

Бўйни калта киши ҳийлагар ва алдамчи бўлади.

Кимнинг бўйни узун ва ингичка бўлса, бундай киши қўрқоқ ва аҳмоқ бўлади.

Кимнинг бўйнқ сергўшт ва йўғон бўлса, бундай киши ростгўй, инсофли ва маслаҳатгўй бўлади.

Ҳар кимнинг бўйнида битта чизиғи бўлса — умри узун, иккита чизиғи бўлса — ҳунарманд, учта чизиғи бўлса — бадавлат бўлади.

## ЮЗНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Фард:

Агар пургўшт бўлса кимда рухсор[1],
Нишондур хўйи[2] қаттиғ, жаҳли бисёр.

Ҳар кишининг юзи сергўшт бўлса ғайратсиз, ҳар нарсани тезда ёдидан чиқарадиган ва қўпол бўлади. Юзида гўшти бўлмаса, ёмон ниятли ва ёвуз фикрли бўлади. Юзининг гўшти ўртача бўлса, хушфеъл бўлади. Ранги сариқ киши ҳам ёмон ниятли бўлади.

## СОҚОЛНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Соқоли оз киши зийрак ва доно, ақлли ва ҳушёр бўлади. Ҳар ким тикка соқолли бўлса, оғир, сабрли ва андишали бўлади.

Соқоли кўп ва узун киши нодон ва аҳмоқ бўлади. Ҳар кимнинг соқоли ўта қалин бўлса, гумроҳ ва бефаҳм бўлади.

## ЕЛКАНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг елкаси камгўшт ва ориқ бўлса, бундай кишининг кўнглида ёмон хаёл ва фасод ўйлар бўлади. Кишининг елкаси сергўшт ва йўғон бўлса, аҳмоқлик белгисидир.

Кимнинг елкасида жуни кўп бўлса, камбағал бўлишидан далолатдир. Кимнинг елкаси жунсиз ва ўртача бўлса, бу унинг ақлу-фаросатли, саодатли ва табиати нозик бўлишидан далолатдир.

## БИЛАКНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг билаги узун ва қўлтиғи сергўшт бўлса, бахту иқболли ва ризқи баланд бўлади. Билаги калта ва қўлтиғи кам гўштли бўлса, камбағалликдан далолатдир.

---

[1] Рухсор — юз

[2] Хўй — феъл, одат.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## КУКРАКНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг кўкраги кенг ва сергўшт бўлса, бу бахтиёрлик нишонидир. Кўкраги тор ва камгўштлик эса нахс ва бадбахтлик аломатидир.

## ЭМЧАКНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Кимнинг эмчаги катта бўлса, бадавлат ва серфарзанд бўлади. Борди-ю, бир эмчаги катта бўлиб, биттаси кичик бўлса, бу бадбахтлик белгисидир.

## ҚОРИННИНГ АЛОМАТЛАРИ

Қорни катта киши аҳмоқ бўлади. Ўртача бўлса, маслаҳатдон, ақли комил ва ҳушёр бўлади.

Кимнинг қорнида бир дона чизиғи бўлса, у киши тиғдан ўлади. Иккита чизиғи бўлса, аёл билан кўпроқ улфат ва суҳбатдош бўлади. Учта чизиқ бўлганда эса ақлли, илмли ва ҳушёр бўлади. Тўртта ва бешта чизиқ ҳам шундан далолат беради. Ҳеч қандай чизиқ ва йўллар бўлмаса, бундай киши иқбол эгаси бўлади.

Кимнинг киндиги катта ва юмалоқ бўлса, саодатли ва бадавлат бўлади.

## БЕЛНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг бели йўғон бўлса, бу қувватли, шижоатли ва такаббур бўлишидан далолатдир. Кимнинг бели эгик экан, у ёмон феълли бўлади. Бели узунлик нахстабиатлигидан нишонадир. Ҳар кимнинг бели ўртача бўлса, бу саодатли ва бахтиёрлигидан далолатдир.

## РАНГНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг ранги анор доналарига ўхшаб қизил бўлса, бундай киши тез-тез хафа бўлиб турадиган, ҳар ишни шошиб қиладиган бўлади.

Кимнинг ранги кўк бўлса, нияти бузуқ бўлади.

Кимнинг рангида оқ-қизиллик бўлса, хушхулқ ва яхши феълли бўлади.

Кимнинг ранги қизил бўлиб, қорага мойилроқ бўлса, ёмон хулқли бўлади.

Буғдойранг киши хушфеъл, оқил, тезфаҳм, ҳушёр, фаросатли ва бахтиёр бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## БАДАННИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг бадани мулойим бўлса, фаҳму идрокли, табиати латиф, ўзи озода бўлади. Ҳар кимнинг бадани қаттиқ бўлса, бақувват, аммо бетамиз ва бефаҳм бўлади.

Ҳар кимнинг териси нафис ва мулойим бўлса, яхши феълли ва хуш сифатли бўлади.

## МУЙНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг баданидаги мўйлари бақувват бўлса, у кишининг шижоатли ва баҳодир эканидан далолатдир. Мўйларининг мулойимлиги қўрқоқлик нишонасидир. Мўйларининг қаттиқ ва мулойимликда ўртача эканлиги ташидан ва ичидан ҳам яхши ва тоза инсонлигидан далолатдир.

Ҳар кимнинг кўкрагида ва қорнида мўйлари кўп бўлса, бундай киши аблаҳдир. Мўйи кам бўлса, латиф ва ақлининг кўплигидан далолатдир.

Кимнинг мўйлари сариқ бўлса, бу аҳмоқлигидан нишонадир. Мўйлари қизил бўлса, паҳлавон ва асаби соғ бўлади. Мўй қора ва мулойимликда ўртача бўлса, ақлли ва табиати хуш эканини кўрсатади.

Ҳар кимнинг баданида бир тешикдан бир мўй чиққан бўлса, бу бадавлат бўлиши нишонидир. Агар икки дона чиқса, ҳунарманд эканидан далолатдир. Агар учта чиқса, бундай киши серибодат, агар тўртта чиқса, камбағал ва қашшоқ бўлишидан белгидир.

Мўйларининг ингичкалиги бадфеъллиги далилидир.

## ОВОЗНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Кимнинг овози баланд ва йўғон бўлса, ботир бўлади. Овози мулойим ва ингичка бўлса, бундай кишининг барча феъли ва одатлари яхши бўлади. Димоғи билан сўзлаган киши такаббур бўлади. Хунук овозли киши аҳмоқ бўлади. Мулойим ва секин сўзлайдиган киши оқил ва доно бўлади. Тез гапирадиган одамнинг ҳулқи яхши бўлмайди. Сўзлаганда қўли билан ишорат қилиб турган киши зийрак ва фаросатли бўлади.

## КУЛГИНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар ким қаттиқ овоз билан қаҳқаҳа уриб кулса, бундай киши нодон ва беҳаё бўлади, кулганда паст овоз билан куладиган киши андишали, ҳаёли, хушҳулқ ва вазмин бўлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## ҚОМАТНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг бўйи узун бўлса, аҳмоқ бўлади. Қисқа бўлса, фитначи бўлади. Ўрта бўйли киши доно, фаросатли ва кўнгли тоза бўлади.

Доноларнинг айтишларича, кимники бўйининг узунлиги бир юз йигирма панжа келса, бу энг яхши қоматдир. Бундан қанчалик кам бўлса, шу қадар нуқсонли бўлади.

## ЮРИШНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар ким юрганда оёғини эгри қўйса, бундай одам катталарни ғийбат қиладиган ва уларни ёмон сифатлар билан эсга оладиган бўлади.

Кимки йўл юрганда белини ва ундан пастини қимирлатиб юрса, бу киши убна[1] деган дардга мубталодир.

Тез-тез юрган кишида қаҳру ғазаб кўп бўлади. Юрганда секин қадам қўйса, бу ғамгинлик аломатидир. Ўртача тезликда юриш ташқи ва ички томонида яхши сифатларга эгалик далилидир. Ерни қаттиқ босиб юриш бадбахтлик нишонаси.

## КАФТНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг кафти сергўшт бўлса, бадавлат бўлади.

Кафтлари қизил бўлса, хушфеъл ва табиати озода бўлади. Кафтлари сариқ рангли бўлса, фосиқ ва ёмон бўлади. Агар кафтлари оқ ва қора рангли бўлса, бадбахтлик нишонасидир.

Кафтларида чизиқлари кўп ё оз бўлса ҳам ёмондир. Ўртача бўлса, у киши саодатли ва иқболли бўлади.

## ПАНЖАНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Кимнинг панжалари узун экан, умри узун бўлади. Панжалари ингичка ва мулойим бўлса, бахтиёрлик нишонидир. Панжаларини юмганда ораси очиқ турса, камбағал бўлади, юмганда жипс турса, бадавлат бўлади.

## ТИРНОҚНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Кимнинг тирноқлари қизил бўлса, олим, ақли кўп ва зийрак, бадавлат ва табиатан сахий бўлади. Тирноқларнинг сариқ ёки қоралиги бундай кишининг паришонҳол, камбағал ва бахтсиз бўлишидан далолатдир.

---

[1] Орқа чиқарув аъзосидаги қичима касаллиги.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## СОННИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг сони гўштдор бўлса, бундай киши хотин билан кўп айшу ишрат қилади. Сони қаттиқ, мўйлари оз бўлса, бадавлат бўлади.

Кимнинг оёғи сермўй ва йўғон бўлса, ҳаётда кўп пиёда юради ва ўзи камбағал бўлади.

Кимнинг оёғи узун бўлса, такаббур ва ҳасадчи, калта бўлса, камбағал ва бечоралик нишонидир. Ўртача бўлса, шижоатли, саховатли, бахтиёр ва зоти покликдан далолатдир.

## ОШИҚНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг ошиғи сергўшт бўлса, бадавлат бўлади. Ошиғида жунлари бўлса, кам фарзанд бўлади. Бир ошиғи катта ва бири кичик бўлса, бундай кишининг умри кўпроқ зиндонда ўтади. Кимнинг ошиғи кичик ва юмалоқ бўлса, бадавлат бўлади. Ошиғи узун ва эгри бўлса, қашшоқ ва беиқбол бўлади.

## ПОШНАНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Ҳар кимнинг пошнаси кичик ва мулойим бўлса, бадавлат бўлишидан нишондир. Агар пошнаси катта ва эгри бўлса, камбағал бўлади. Ҳар кимнинг пошнаси гўштдор ва юрганда ялпайиб турса, изи ҳам катта бўлса, кўпинча бундай киши ўғри бўлади.

## ОЁҚНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Кимнинг оёғи юмалоқ ва жуни кам бўлса, бу бахтиёрлик, саодатлилик ва бадавлатлик далилидир. Оёғи чўзиқ ва ялпайган бўлса, камбағаллик нишонидир.

Агар оёғининг остида чизиқ бўлмаса, бу одам аксар пиёда юради. Оёғининг ости сариқ ёки қора бўлса, бундай киши камфарзанд ва ёмон ишлар билан шуғулланувчи бўлади. Оёғининг ости қизил ва юмшоқ бўлса, ақлли ва давлатманд бўлади.

Ҳар кимнинг икки оёғида кўндалангига қараб коваги бўлса, бундай киши доим отда юради.

